



20 20 у « 11 » апрель

№ Қ-163

« ___ » _____ 20__ г

Шеробод тумани Н.Муродов массиви худудидан “Sherobod sabzavot ko’kat klasteri” МСНҲга “Кўкат ва полиз-сабзавот маҳсулотлари етиштириш” мақсадида ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,20,34-моддаларига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 07 апрелдаги 02-02/178-сон йиғилиш баёни ва Шеробод туман ҳокимининг 2020 йил 13 январдаги 01-04/32-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 07 апрелдаги 02-02/178-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод тумани Н.Муродов массиви худудидан “Sherobod sabzavot ko’kat klasteri” МСНҲга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 239б, 245, 246 ва 246а-дала контурларидаги жами 45,69 гектар, шундан 43,20 гектар суғориладиган экин ер, 0,02 гектар тутзор, 2,47 гектар ариқ ва зовурлар ер майдонлари “Кўкат ва полиз-сабзавот маҳсулотлари етиштириш” мақсадида доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шеробод тумани ҳокимлиги (А.Амиров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Ориповлар зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов